



# ТОШКЕНТ



# ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 151 (9.801) 2002 йил 25 декабрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

**XVI сардоси**  
Барча мактаблардан олтинган сўнгги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қўра Равшанбек Олимов Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Факултетада ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

● Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида келгуси йил ҳосили учун гўза навларини жойлаштиришга бағишланган йиғилиш бўлди.

● Сирдарё вилояти ҳокимлигида хорижий инвестицияларни жалб қилиш, вилоят экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

● Сирдарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда қишки экинларга ишлов бериш, кузги шудгор қилиш, далалар ва техникани қўллагич экин мавсумига тайёрлаш масалалари қўриб чиқилди.

● Янги йил байрами арафасида «COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Навоий вилоят бўлими Хатирчи тумани маркази — Янгиробод шаҳрида уяли телефон алоқа хизматини йўлга қўйди. Эндиликда шаҳар аҳолиси дунёнинг исталган бурчаги билан боғлана олади.

● Кува қандолат ишлаб чиқариш комбинати Янги йил дастурхони учун ўзига хос махсулотлар чиқара бошлади. Айни кунларда бу ерда ёрғоқ, қунжут, ёнғоқ, майиз, куруқ мевалар аралаштирилган ўн турдаги қандолат махсулотлари тайёрланмоқда. Экологик тоза, мазали ва тўйимли, нархи арзон, бежирим қадокланган қандолатлар харидорларга манзур бўлаётди.

● Пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида экология ва дипломатия соҳалари ўртасидаги алоқдорликка бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

● Кеча пойтахт вилояти илмий-универсал «Туризм» кутубхонасида «Кутубхоналар уюшмасининг фаоллигини бошқариш» мавзусида семинар ўтказилди.

● Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида талабалар уюшмасини тузиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчиси ва элчихона вакиллари ҳамда талабалар иштирок этишди.

● «ADVOKAT» журнали тахририяти, «ЕВРАЗИЯ» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Журналист. Қонунчи билан ва ҳуқуқий мавзуларни ёритиш муаммолари»га бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг пленуми бўлди.

● Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Марказий Осиёда ОИТС/СПИДнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий маркетинг» дастурига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг юбилей концерти бўлиб ўтди.

● Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт клубининг ҳавасида мамлакатимиз энг кучли сузувчиларининг 2002 йилги Ўзбекистон Кубоги ва Владимир Митрофанов хотира соврини учун сузиш бўйича республика 32-мусобақалари бошланди.

● Бугун мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариш турди, ёянгарчилик бўлмади. Эрталаб айрим жойларга туман тушди. Шарқдан соянига 2-7 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳаво ҳарорати 4-6 даража илиқ бўлди.

● Германия Федератив Республикасида «Ўзбекистон: сиёсат, жамият, маданият» деган умумий ном билан аталувчи, тўлалигича Ўзбекистон Республикасига бағишланган беэкил журнал чоп этилди.

● Жаҳоннинг энг йирик олий ўқув юртиларидан саналадиган Жанубий Корея пойтахтидаги 128 минг нафар талаба таълим олаётган Кон Кук университети Бухоро Давлат университети билан ўзаро ҳамкорлик битимини имзолади.

● Австралия ҳўкумати келгуси йил 2 январдан Манилада ўз элчихонасини қайтадан очига қарор қилди. Мъллумки, элчихонага таъхид қўйганга учун у шу йил 28 ноябрь кўни ёпилган эди.

● АКШ Президенти Жорж Бушнинг келгуси йил январь ойида Африкага мўлжалланган ташрифи номаълум муддатга қолдирилди. «Президент Буш ўта долзарб бўлиб турган ички ва халқаро сиёсий масалаларни муҳомаа этиши лозим. Шунинг учун Африкага ташрифини кейинга қолдириш», дейилади Оқ ўйнинг матбуот хизмати берган ахборотида.

● Фластин раҳбарияти 2003 йилнинг 20 январига белгиланган сайловларни ўтказишни номаълум муддатга қолдирилганлигини расман билдирди. Уларнинг айтишича, Фластин ерларидан Исроил харбийларини чиқармай туриб сайловларни ўтказиш мумкин эмас.

● Шимолий Корея ҳўкумати мамлакатдаги ядро иншоотларига БМТ вакиллари томонидан ўрнатилган пломбаларни ва кузатув видеокамераларини олиб ташлашга қиришганлиги тўғрисида баёнот берди. Аммо АКШ ва унинг иттифоқчилари расмий Пхеньянини ушбу қарорини қайта қўриб чиқишга қўндиришга уринишмоқда. Чўнки АКШ давлат департаменти вакили Лу Финторнинг фикрича, «8000 тонналик радиоактив ёнилги сақланувчи омборга йўл очилиши улардан қурол учун фойдаланиш мумкинлиги хавфини ҳам туғдиради».

● Россия ташқи ишлар вазирлиги Европарламентни Данияни қўллаб-қувватлашда айблади. Сабаби Дания маъмурияти Ахмад Закаевни Россия ҳўкуматида беришдан бош торган эди.

● Исроил харбийлари Ироқ томонидан бўлиши эҳтимоли бор қимбўйи ҳўкумага қарши ўқув машғулотларини ўтказишмоқда. Бунда улар захарли моддалардан ҳам фойдаланишмоқда. Исроил томони агарда АКШ Саддам Хусайн тартибига қарши харбий амалиётларни бошласа, Ироқ томонидан Исроилга қарши зарбалар уюштирилиши мумкин, деган хавотирда.

● Индонезия суди мамлакатнинг собиқ савдо вазири Рахадри Рамиланин поракўрлик, коррупция ва давлат мулкни ўзлаштирилганлиги учун икки йиллик қамоқ жазосига ҳўкми қилди.

● Дехлидаги Индира Ганди номидаги халқаро аэропортда жуда кўп миқдорда тарийий буюмлар қонтрабанда йўли билан хорижга олиб кетилаётганда тўхтаб қолди.

● 48 нафар йўловчи (улардан 6 нафари екипаж аъзолари) бўлган Украинага қарашли Ан-140 самолёти Эронда ҳалокатга учради. 42 нафар украинлик ва 6 нафар россиялик мутахассислардан иборат йўловчилар Туркияда Эроннинг Исфохан шаҳрига кетишаватган эди. Самолёт ичидagi кишиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди.

● Икким ўзгаришлари бўйича Жаҳон конференциясини келгуси йилнинг 29 сентябрийдан 3 октябрийгача Москвада ўтказиш ҳақидаги Россия ташаббусини БМТнинг Бош Ассамблеяси қўллаб-қувватлади. Бош Ассамблеянинг 57-сессиясида мазкур масала ўзасидан резолюция қабул қилинди.

● ХЗД Technologies компанияси томонидан уюштирилган икки кунлик шахмат баҳсида Анатолий Карпов Гарри Каспаров устидан 2,5: 1,5 ҳисобда галабага эришти. Учрашувдан кейинги матбуот анжуманида Гарри Каспаров рақибининг галаба қозонганидан хурсанд эмаслигини яшира олмади.

## ХУШХАБАР

### Мукофот билан қўтлаймиз

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиа қўмитасига Янги йил арафасида Миллий олимпиа қўмиталари ассоциациясининг XII бош ассамблеяси ҳамда иккунга қўмитасининг қарорига қўра Ўзбекистон МОҚ президенти Собир Рўзиевнинг МОКА Олтин нишонин билан тахдирлангани тўғрисидаги хўшхабар келди.

Миллий олимпиа қўмиталари ассоциациясининг президенти Марио Васкес Раиа ўз шўшминномасида тахидлагандак Собир Рўзиев ушбу нуфузли мукофот билан Олимпиа ҳаракатини ривожлантиришга қўраётган катта ҳиссаси учун тахдирланди. Бу ўзбек спорти ва олимпиа ҳаракатининг халқаро майдондаги эътирфидинг хўшхабар келди.

Миллий олимпиа қўмиталари ассоциациясининг президенти Марио Васкес Раиа ўз шўшминномасида тахидлагандак Собир Рўзиев ушбу нуфузли мукофот билан Олимпиа ҳаракатини ривожлантиришга қўраётган катта ҳиссаси учун тахдирланди. Бу ўзбек спорти ва олимпиа ҳаракатининг халқаро майдондаги эътирфидинг хўшхабар келди.

## Қисқаларда

□ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ўтказилган «Ўзбекистон — Япония. Замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик» мавзусидаги анжуманда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети тарафидан иштирок этишди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига алоқа тармоғини янада такомиллаштириш мақсадида хориждан замонавий технологиялар келтирилди.

□ **«СОВПЛАСТИТАЛ»** қўшма корхонаси шу кўнгача 30 дан ортиқ давлатлар ҳамда 200 дан ортиқ савдо ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу боисдан ҳам ўтаётган 2002 йилда уюштирилган бир неча халқаро танлов ҳамда кўргазмаларда голийликни кўлга киритди. Келгуси йил режаларига бағишланган уюштирилган йиғилишда бу ҳақда сўз борди.

□ **ШУНИНГДЕК**, Собир Раҳимов туманидаги «Чукурсой», Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳаллаларида, 1-шаҳар клиник шифонасида ҳам фахрийлар ва фаоллар иштирокида бўлиб ўтган тадбирлар ўтаётган жорий йилда бажарилган ишлар сарҳисоби ҳамда кириб келаётган Янги йил режаларига бағишланди.

□ **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейига йиғилган пойтахт мактабларининг тарих, ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчилари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш истикболларини муҳомаа этишди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Банклар ассоциациясида банклар ходимлари, ҳисобчилар иштирокида бўлиб ўтган «Бухгалтерия ҳисобини юриштишда халқаро стандартларга ўтиб ишлаш» мавзусидаги анжуман Республика Марказий банки ҳамда Япониянинг халқаро «Жайка» агентлиги ҳамкорликларида уюштирилди.

## Хушнудлик улашди

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида Янги йил олди «Байрам кечаси» ўтказилди.

Қиш фаслининг ўзига хос байрами ҳисобланган Янги йил ҳар бир ёш қалбига янгидан-янги орузлар уюғотиши шўбхаси. Шундай экан ушбу байрам кечасида қатнашган ёшлар ўзларининг кўнгилдаги бор сўзларини дўстлари билан ўртоқлашиб барчага хурсандчилик улашди.

Шунингдек, байрамда иштирок этган Зулфия мукофоти совриндорларининг чиқишлари базмага олдир бағишланди.

Университет талабалари томонидан ижро этилган саҳна қўраинишлари ҳамда ёшларининг севилими «Сахар» гуруҳи кўй-қўшиқлари йиғилганлар кўнгилга хўшнудлик улашди.

Ойбек ҚўШБОҚОВ



Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида Янги йил олди «Байрам кечаси» ўтказилди.

рокида «Сехрли таёқча» спектаклини завқ-шавқ билан томоша қилмоқдалар. Спектаклга келган ҳар бир кичкинтой бевосита унинг қатнашчисига айланади, Қорбобо ва Қорқиз билан учрашди, улар билан биргаликда олам бўйлаб саёҳат қилади. Асарда эзугликнинг ёвузлик устидан галаба қозониши акс эттирилган.

Бугун Сайилгоҳ кўчаси ҳам ҳар қачонгидан гавжум. Айниқса кўчага ўрнатилган салобатли арча атрофи сайилгоҳга янада фаёз бағишлаган. Бу ердан эрта тонгдан кечгача кичкинтойларнинг қадами узилмайди, қувноқ қулгилари бир зум тинмайди.

Ҳамшаҳарларимизни яна бир янгиликдан хабардор қилиб қўймоқчимиз.

**БУГУН** яъни 25 декабрдан шаҳримизда табиий арча савдоси бошланади. Бу вазифа Ҳамза туманидаги «Насриддин қори» масъулияти чекланган жамияти зиммасига юкланган. Савдо шаҳримизнинг энг гавжум жойлари — Пушкин ва 1 Май кўчалари чорраҳасида, «Ми-

робида» бозорида, «Тошкент» универсал дўқони олдида, Сайилгоҳ кўчасида, «Чилонзор СМ» дўқони олдида ташкил этилади. Савдога чиқариладиган арчалар Бурчмулла ўрмон ҳўжалигининг келтирилмади. Шунингдек ҳамшаҳарларимиз «Совпластитал» қўшма корхонаси томонидан чиқарилган сунъий арчалардан ҳам баҳраманд бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 13 декабрдаги 714-сонли «Кишки таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш ва уни юқори савияда ўтказиш юзасидан барча зарурий чоралар қўрилмоқда.

Бугун республикамиз ва шу жумладан шаҳримизда Янги йил эпкини эсиб турибди. Ҳайратангиз, кўтулгу қадамлар билан кириб келаётган 2003 йилнинг ҳар бир кунини бирма-бир кўнгилга қўйиб биригача мустаҳкамлаш билан бирга давлатимизга ҳам кўт-баракати олиб келадим.

Бугун республикамиз ва шу жумладан шаҳримизда Янги йил эпкини эсиб турибди. Ҳайратангиз, кўтулгу қадамлар билан кириб келаётган 2003 йилнинг ҳар бир кунини бирма-бир кўнгилга қўйиб биригача мустаҳкамлаш билан бирга давлатимизга ҳам кўт-баракати олиб келадим.

Бугун республикамиз ва шу жумладан шаҳримизда Янги йил эпкини эсиб турибди. Ҳайратангиз, кўтулгу қадамлар билан кириб келаётган 2003 йилнинг ҳар бир кунини бирма-бир кўнгилга қўйиб биригача мустаҳкамлаш билан бирга давлатимизга ҳам кўт-баракати олиб келадим.

Бугун республикамиз ва шу жумладан шаҳримизда Янги йил эпкини эсиб турибди. Ҳайратангиз, кўтулгу қадамлар билан кириб келаётган 2003 йилнинг ҳар бир кунини бирма-бир кўнгилга қўйиб биригача мустаҳкамлаш билан бирга давлатимизга ҳам кўт-баракати олиб келадим.

Бугун республикамиз ва шу жумладан шаҳримизда Янги йил эпкини эсиб турибди. Ҳайратангиз, кўтулгу қадамлар билан кириб келаётган 2003 йилнинг ҳар бир кунини бирма-бир кўнгилга қўйиб биригача мустаҳкамлаш билан бирга давлатимизга ҳам кўт-баракати олиб келадим.

Бугун республикамиз ва шу жумладан шаҳримизда Янги йил эпкини эсиб турибди. Ҳайратангиз, кўтулгу қадамлар билан кириб келаётган 2003 йилнинг ҳар бир кунини бирма-бир кўнгилга қўйиб биригача мустаҳкамлаш билан бирга давлатимизга ҳам кўт-баракати олиб келадим.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янги йил бўсағасида

### Юртимизда байрам нафраси



Орзиқиб қутаётган Янги йилмиз тобора яқинлашмоқда. Ҳар биримиз учун қадри бўлган бу кун айниқса болақонларимизга бир олам қувонч бағишлайди. Улар шаҳримизнинг турли гўшаларида, хонадонларида безатилган арча атрофини бир зум тарк этишмайди. Қорбобо, Қорқиз билан биргаликда эртаклар оламига саёҳат қиладилар.

Шаҳримизда ҳар йилгидек бу йил ҳам жажжи ўғил-қизларимизнинг энг қувноқ, кўнгилли байрамини муносиб ўтказиш учун кенг кўламада ташкилий тайёргарлик ишлари қўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Давлат консерваториясида уч кун давомида бўлиб ўтаётган «Президент арчаси» фарзандларимизни ўз атрофига қорлайди. Табиийки, бу манзилга ташриф буюрган кичкинтойлар янада мазмунли ва мароқли хордиқ чиқаришади. Уларга Еш томоша-бинлар театри артистлари хизмат кўрсатишади. Кичкинтойлар улар ижросида янги талқинда саҳналаштирилган «Сайдининг саргузаштири» саҳна асарини томоша қиладилар. Қорбобо ва Қорқиздан янги йил совғасини қабул қилиб оладилар.

Янги йил арафасида шаҳримизнинг Бош майдони ҳам ўзга-

ча қиёфа кашф этади. Бу йил ҳам ана шу анъанага биноан майдондан 26 метрлик баландликдаги арча ўрин олди. Уни «Тошшаҳар-нур» хизматчилари аёло даражада безатишди. Арча шохларини яшнатиб турган турли-туман ўйинчоқларни бирма-бир санаб адоғига етолмайсиз. Улар шу қадар кўп ва ранг-барангли, ҳар қандай кишини беихтиёр ўзига сеҳрлаб қўяди.

Пойтахтимиздаги барча театрлар ва кўпала санъат қошалари фарзандларимизни ўз бағрига қорлайди. Кичкинтойларга бу даргоҳларнинг кираверииш майдонига ўрнатилган салобатли арчалар қувонч бағишлайди. Мана бир неча кундирки, жажжи ўғил-қизларимиз Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг фаол томошабинига айланиб қолишди. Бу ерда улар ўз ота-оналари ишти-

## ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

Индинга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтади. Яқунлар бўйича сессия олдиндан Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг йиғилишлари ўтказилди.

## Яқун ва режалар

Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича комиссия йиғилишида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти Мирзо Улуғбек ва Сергели туманлари мисолида муҳомаа қилинди. Хусусан, ҳисобот даврида туман бўлиmlари томонидан «Қамолот» сафларига етакчиларни жалб қилиш юзасидан ижобий натижаларга эришилгани, ўқув юртиларидан ташқари, ҳар бир мўҳнат жамоасида бошланғич ташкилот тузилгани таъкидланди. Шу билан бирга туман Кенгашлари томонидан жойлардаги қамолотчиларга етарли эътибор қаратилмаётгани, ўқув юрти семинарларига жалб қилинмагани эътироф этилди. Шунингдек, комиссия йиғилишида «Соғлом авлод» давлат дастури ижросининг таъминлини бўйича ҳам ҳисобот тингланди.

Пойтахтнинг коммунал хўжалигида ислохотлар бориши хусусида Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комиссиянинг йиғилишида муҳомаа бўлиб ўтди. Бу борада «Тошшаҳарйўловчиган» ва «Тошқотранс» ташкилотларида олиб борилаётган профилактик фаолият тахдир қилинди. Бундан ташқари, депутатлар уй-жойларни тубдан таъмирлаш, ҳисоблагичлар ўрнатиш борасида юзга келаётган муаммоларни ҳам атрофчида қўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилдилар.

Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия йиғилиши кун тартибига мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, қимматли қўзғалар бозорини ривожлантириш масалалари киритилиб, шунингдек де-

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати.

## ТРАНСПОРТ

### «Метролойиха»чилар жиддий изланишда

Тошкент «Метролойиха» институтининг меъмор ва муҳандислари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни яхши адо этиб, ерости темир йўл қасрларини бунёд этиш ишларига муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Улар қўлдан чиққан лойихалар ажойиб меъморий ишланмаси, ўзига хос ечимлари билан кўпгина метро бекатларининг янада кўркам ва нафис безакларга бой бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. «Ўзбекистон», «Юнусобод» метро йўналишида дид билан бунёд этилган бекатлар асосан институт жамоасининг ижодий изланиши натижаси бўлди.

— Илмий муассаса шу кунларда Тошкент метрополитенининг бош қизмасини тайёрлаш йўлида жиддий иш олиб бормоқда, — дейди институт директори Одил Зокиров. — Бунда метро йўллариини уяйтириш ҳам кўзда тутилган. Жумладан, Чилонзор метро йўналишини «Тошкент тракт» заводи» Давлат ҳиссасдорлик жамиятига уяйтириш ҳамда бу йўлни Сергели йўналиши билан туташтириш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари Сергели метро йўлини Сергели мавзесидан Оточпарчага қуриш таратилди қўрилмоқда.

Ўзбекистон йўналиши бўйича ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Шу жараёнда уни Талабалар шаҳарчаси билан Қорақамчи даҳасига, шунингдек Кўйлик даҳасига уяйтиришга эришилади.

Юнусобод йўналиши қурилиши битказилган, бу метро йўлини Жанубий темир йўл вокзалигача уяйтириш имкони туғилади. Шу тариқа халқа йўли билан туташтириш ишлари амалга оширилади.

Шу мақсадда «Метролойиха» институти томонидан Тошкент «Метрогипротранс» ташкилоти мутахассислари олиб бориладиган бунёдкорлик ишларига техник ёрдам кўрсатилиб, метрополитенининг янги иншоотларини лойихалаш ва қурилиши жадаллашади.

Ақбар АЛИЕВ

да фойдаланиш зарурлиги ўқитиб ўтилди. Имом-хатиблар, уламолар тўй-йиғилар, диний маросим ва маъракатлар ҳақида Президентимиз томонидан билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлади. Тадбирларни дабдалаи ўтказиш, ортиқча сарф-харajatлар қилиб, исрофгарчиликларга йўл қўйиш ислом дини арқонларига мутлақо зид эканлигини таъкидлаб, бу каби бидъат ва иллатларни бартараф этиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи бўлиши кераклигини баён этдилар.

Йиғилишда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида соҳа бўйича бажариладиган режа ва вазифалар белгилаб олинди.

(Ў.А.)

# МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг саҳифаси

— Маҳалла Тошкент шаҳрининг марказий қисмида — бамисоли «юрағида» жойлашган бўлиб, унда уч минг икки юз фуқаролар истиқомат қилади, — дейди Комилжон ака, — Маҳалланинг номи ҳам ўзига хос мазмунга эга бўлиб, диққатга сазовордир. Аввало бундай ном Республикада ягона, қолаверса маҳалланинг бундай номланishi мустақиллигимизнинг шарафати билан чамбарчас боғлиқдир. Бу билан биз доимо фахрланамиз.

— **Мана, мустақил дѳиримизнинг 11 йиллик тўйи ҳам ортада қолиб, тарих саҳифаларидан ўрин олди. Ҳўш, ўтган давр ичида маҳаллада қанай ўзгаришлар юз берди, нима ишлар қилинди?**

— Мустақилликдан кейин ўтган даврда маҳаллада бир қанча оқсоқоллар фаолият кўрсатди. Уларнинг маҳалла ривожига қўшган ўзига яраша ҳиссалари бор, албатта.

1995 йилда ҳозирда марҳум Тўхтамурод ака Алимовнинг маҳалла оқсоқоллиги даврида Яқсарой туман ҳокимлиги ёрдами билан маҳалла гузари курилиб ишга туширилди. Яқинда унинг ҳудудида новвойхона ва қандолатхона битказилиб, фаолият бошлади, ободлаштирилди, кўчалмзорлаштирилди, хоналари замонавий таъмирланди, жиҳозланди. Ҳозирги кунда туман маҳаллаларининг айрим умумий тадбирлари бизнинг маҳалла-мадада ўтказилмоқда.

— **Президентимизнинг ташаббуслари билан жорий йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши халқимизнинг диди, ўй-фикри ва орзу-хавасига тўла мос келгани, айниқса кексаларимизни қадрлаш билан бирга буюқ қадриятларимиз ҳам қадрланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунга кўра маҳаллада бу борада қандай ишлар амалга ошириляётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури асосида маҳаллаз ҳамғармасидан шун кунгача 584 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Кекса аёлларга халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан 199500 сўмлик совға-саломлар топширилди. Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан 30 нафар уруш қатнашчиларига 5000 сўмдан, жами 150000 сўм моддий ёрдам кўрсатилди, шунингдек улар ва айрим фронт

ортида хизмат қилган кексалар байрам дастурхонига тақлиф этилди. Шунингдек, фронт ортида хизмат қилган 58 нафар қарияларга 3000 сўмдан, жами 174000 сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Мустақиллик байрами муносабати билан 300 нафар қария отахон ва онахонларга байрам дастурхони ёзилди.

«Ўқитувчи ва мураббийлар» кўни муносабати билан маҳаллаз ҳамғарма барча нафақадаги ўқитувчи ва мураббийларга байрам дастурхони ёзилди ва совғалар топширилди. Узим Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтида доцент лавозимда ишлайман. Балки шунинг учун бўлса керак

## ДИЛЛАШУВ

# Янада обод бўлади

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида маҳаллаларнинг ўрни ошиб бораётганига сир эмас. Маҳаллаларнинг фаолияти кун сайин мукамаллашди, доираси кенгайиб бормоқда. «Маҳалла ота-онанг» деган қадимий ҳикмат бугунги кунда ўзига хос мазмун-моҳиятга эга бўлиб олди. Юртбошимиз ташаббуслари билан янги 2003 йилнинг «Обод маҳалла» йили деб эълон қилиниши ҳам ўйлаймизки, маҳаллаларимизнинг янада чирой очилиши, мавқенинг ошиши, обод ва осойишта, ҳамжиҳат гўшага айланишида муҳим ўрин тутади. Бизнинг Яқсарой туманида жойлашган «Конституция» маҳалласи оқсоқоли Комилжон Муҳаммадиев билан сўхбатимиз ҳам маҳаллада амалга ошириляётган ишлар ва ўшратли тажрибалар ҳусусида бўлди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг ишлари машаққатли, лекин хайрли эканлигини яхши тушунган ҳолда бу тадбирга алоҳида эътибор қаратди.

Оқорида қайд этилган мурувват ишларини амалга оширишда хомийларнинг хайрия хизматларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Маҳалламиз ҳудудида жойлашган «Ақшин» (ғўзаллик саломи) ва «Лутғий» хусусий корхоналари кўнига биттадан қарияга бепул маънавий хизмат кўрсатишни ўз иммаларига олганлар ва бунди сиздиқилдан адо этиб келмоқдалар.

Маҳалламиз ҳудудида жойлашган Тошкент Давлат педагогика университети билан ҳам алоқамиз яхши. Хусусан, университет ректори профессор Б. Қодиров билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузганмиз. Ўшбу шартнома асосида улар маҳаллага маънавий, маърифий ва айрим амалий ишларда кўмак беришмоқда.

«Бобур» номли маданият ва истироҳат боғи ҳам бизнинг маҳалламиз ҳудудидан ўрин олган. Маҳалламиз ёшлари боғдаги спорт мажмуасидан унумли фойдаланмоқдалар. «Ўзен-

гилсаноат» компанияси ҳам маҳалламизда ўзининг амалий ёрдамини аямаяпти.

Биз республикамизда нишонланадиган барча байрам ва тантаналарни муносиб ўтказган ҳолда уларни фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, маҳалладошларимизнинг руҳини кўтаришга йўналтирганмиз. Бу байрам тадбирлари асосан ҳудудимизда жойлашган «Табассум», «Яқса-Орол», «Стелла» кафелари ва «Сулико» ресторанида ўтказилиб келинмоқда. Уларнинг раҳбарлари бундай хайрия ишларига жон диллари билан ёндашишлари бизларни қувонтиради.

Маҳалламиз фуқароларини 8 хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан узулқиз равишида таъминлаб келаятган «Орифлей», «Дил-Рози» ва «Океан-Синфуд» дўконларидаги жамоасидан ҳам маҳалламиз аҳли миннатдор. Ушбу дўконлар байрам кўнлари маҳаллага амалий ёрдам ҳам бериб туради.

Маълумки, айниқса Тошкент шаҳрида тўй ва маросимларни қандай ўтаётганлигига охириги пайтларда эътибор кўчатирилган. Ушбу долзарб масалага Юртбошимиз Конституцияимизнинг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳам алоҳида эътибор қаратиб, кейинги пайтларда урф бўлаётган ким ўзарчилик, дабдабаозлик ҳолатларини кескин қораладилар.

Маҳалламизда тўй, маросимларни дабдасис, камчиқим, энг муҳими, миллий урф-одатларга қатъий риоя қилган ҳолда, қадриятлар асосида ўтказиш ҳам бизнинг диққат эътиборимизда. Бу борада тўй ва маросимлар комиссиясининг раиси Зиёвуддин ака Низоомовнинг хизматлари таҳсинга лойиқ, 80 ёшга бориб қолган ушбу фаолимиз маҳалланинг яхши-ёман кўнларида ҳормай-толмай хизмат қилиб келмоқдалар.

Бундан ташқари фаоллардан Эркин ака Самархўжаев, Муслим ака Йўлдошев, Нафиса опа Қодирова, Тўлқин ака Қосимов, Анвар ака Бобоқонов, Гулбахор Бойматов, Анвар ака Тўхтаев, Юсуф ака Икромов, Абдурахим ака Шомансуров шунингдек, маҳалла котиби Холмуҳаммад ака Азимова ва ҳисобчиси Роза Гадавалар ҳам маҳалланинг ривожига ўзларининг қамтарона ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бизнинг олдимида турган, ҳали амалга ошмаган ва келгусида режалаштирилган бир қанча ишларимиз — долзарб муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Хусусан, сеvimли шoirимиз, маҳалламиз фуқароси Рамз Бобоқон кўтувхонасини ишга тушириш арасида, маҳалламиз гузарини янада кўрамлаштириш мақсадида замонавий тўйхона қуриш, оталар чойхонасини бунёд этиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида сартарошхона, пойёзлаш таъмирлаш устанонасини қуриш ва шунга ўшраш фуқароларимизнинг оғирини енгил қиладиган маънавий хизмат шохобчаларини ишга тушириш ниятидмиз. Бу ниятларни амалга оширишда маҳалламиз ҳудудида жойлашган корхона ва таъшилотлар, жумладан, «Ўзқурилишматериаллари» акция-онерлик компанияси, «Интер-Азия» корхонаси, «Элит» меҳмонхонаси ва айрим хусусий корхоналар хомий сифатида ўз ҳиссаларини қўшиб истақлари борлигини билдирганлар.

Биз маҳалла аҳли юқорида қайд этилган корхона раҳбарларига ва шу кунгача маҳаллада хайрия-саховат ишларини адо этиб келаятган хомийларга, шунингдек маҳалламизга раҳамонлик қилиб келаятган Яқсарой туман ҳокимлигига ўзимизнинг чексиз миннатдорчилигимизни билдирмаиз.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўни кеча чиққан «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида» қўй Фармойиши маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақоми ошиши, маънавий-маърифий, моддий жиҳатдан ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Дилшоҳ ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.

## ТАДБИРЛАР

Ёшларни ватанпарварлик, она юртни севиш руҳида тарбиялаш, Куроли кўчаларига ҳурмат тўйларини шакллантириш ва уларни тарбиявий хизматга тайёрлаш мақсадида қатор тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

# Ватан ҳимояси — шарафли бурч



Жумладан, яқинда «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Собир Раҳимов туман бўлими хомийлигида Болалар ташкилоти томонидан шу мақсадларни қўзлаган ҳолда ҳарбий қисмага саёхат уюштирилди.

Тумандаги 1, 16, 22, 23-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбир бўлгуси юрт посбонларида жуда катта таассурот қолдирди. Улар ҳарбий қисм ҳаёти билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар. Аскарларнинг дадил ва эгчи харақатлари, топшириқларни қаққонлик ва тезкорлик билан аёло даражада бажаришлари уларда ҳавас ва гурур, ҳарбий хизматга иштиёқ уйғотди.

Айниқса тинч ва дорилмомон кўнларимизда террорчилар ҳуружи туфайли азиз жонларини шу Ватан учун қурбон қилган, ўзларидан атиги 3-4 ёш катта бўлса-да мард, жасур ўғлонлар сафидан ўрин олган аскарларга қўйилган хотира-лавах олдига суккут сақлаб таъзим бажо қилганларида юраклариди шу юрт учун ҳамиша садоқатли бўлиш иштиёқи жўш урди.

— Менда бугунги кун жуда катта таассурот қолдирди, — дейди учрашув қатнашчиси Муҳаммад Иномов. — Ҳарбий қисмга келиб, шароитлар билан танишганимдан кейин фикрим бутунлай ўзгарди. Эртага мактабни битирсам албатта Куроли кўчаларимизда садоқатли Ватан посбони бўлиб хизмат қиламан.

— Мен эса, мактабни тугаллаб командирлар тайёрловчи, олий ўқув юртига кирмоқчиман, — дейди Жаҳонгир Маҳмуродов. — Ҳарбий хизматчи бўлишни ният қиламан. Мусаффо осмонимизни, тинчлигимизни, Ватанимизни қўриқловчи мард йигитлар қаторидан ўрин олсам дейман. Бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш керак. Токи ҳар бир йигит Куроли кўчалар сафида хизмат қилиш қандай бўлиши ҳақида кўникамо ҳосил қилсин.

Тадбир иштирокчиларига бир назар ташласангиз бу кун улар ҳаётида унутилмас таассурот қолдирганини, уларни Ватан посбони бўлиш шарафли бурч эканлигини ҳис қилганларини англаш қийин эмас. Ҳа, ҳар бир йигит — ўз Ватанининг мард, жасур қўриқчиси бўлиши лозим.

Шoира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## МУЛОҲАЗА

# Фаоллик демек

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни амалда татбиқ этиш ва бу билан фуқароларимизга жамиятни бошқаришда фаол иштирок этиш учун қандай вазифаларни бажариш лозимлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Маълумки, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири — нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдир. Бунда, аввало ижтимоий-иқтисодий ҳаракатлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлатнинг ролини қаматириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиш қўзлаган.

Ҳўш, шундай экан, ҳозирда жамоат ташкилотларининг илдам қадам ташлашидаги камчилик нимадан иборат? Бизнингча, қўлпаб жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ўз фаолиятларида ханузгача расмиётчилик усулларидан воз кеч олганлари йўқ, ишга янгича ёндашувлар ва ташаббус сўст даражада.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанамда давлатимиз раҳбари жамоатчилик, аҳолиимизнинг сиёсий ва ижтимоий савиясини ҳамда фаоллигини оширишни — биринчи даражада масалага айлантириш даркор, деб бежиз айтмайдик. Таъкидланганидек, «демократия неъматларининг оддий истемоьлчиси эмас, балки уларнинг фаол эътибори билан ҳимоячи бўлиш зарурати» — ҳозирда кун ва ислохотларимизнинг зарур шартларидандир.

Ғайрат ЗУННУВОВ

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тадқиқотчиси.

## ИҚТИСОДИЁТ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Асл Биллур» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорларнинг асл мақсадлари нафақат харидор эҳтиёжини қондириш, балки четдан келтириляётган маҳсулот ўрнига босадиган сифатли маҳсулотларини тайёрлаб, мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўз ҳиссаларини қўшибди.

# Янги маҳсулотлар

Корхонанинг иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошган бўлса-да, унинг Россия Федерациясидан келтирилган замонавий линиялар билан жиҳозланган цехларида 5-6 турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Ўз ишимизни 200 миллион сўм кредит олиб бошлаган бўлсак, қисқа давр мобайнида унинг ярмидан қўтилишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона бош директорининг ўринбосари Анвар Худойберганов. — Жамоамизда 15 нафар ишчи фаолият кўрсатади. Ўтган давр мобайнида 1 миллиард 387 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Давлатга 975 миллион сўмлик акция солиғи тўладик.

Корхона тадбиркорлари маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё — спиртни Андижон ва Қўқондан, ишида идишларни эса «Қвара» акционерлик жамиятидан олади. Маҳсулотнинг талаблар даражасида қўлқўланишига ҳам муҳим эътибор қаратилади. Ҳозирда фақат ички бозор учун маҳсулот тайёрляётган ишбилармонларнинг келгусида хориж бозорига чиқиш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш ниятлари ҳам бор. Бунинг учун Италиядан янги линия олиб келиб ўрнатиш режаланмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариляётган «Пойтахт» ароғи талабга жавоб беради. Яқинда корхонада яна «Тож» ароғини ишлаб чиқариш учун сертификат олинди.

Дилноза ҒИЁСОВА



СУРАТДА: корхонада тайёрланган сифатли маҳсулотлар. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

## САҲОВАТ

# Меҳрли қалблар кўпайсин

Ақмал Икромов тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ҳамда Қизил Ярим ой жамиятининг туман бўлимлари ҳамкорликларида Файзулла Хўжаев маҳалласида ёлғиз қарияларга атаб, катта дастурхон ёзилди.

Туманда айни пайтда 213 нафар ёлғиз қариялар истиқомат қилади. Уларга моддий ёрдам бериш маъносиди фаоллар бирлашиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, хўжалик моллари товарларини ҳар бир хонадон эгаларига топширишди.

Шунингдек, «Истиклол» маҳалласида истиқомат қилувчи ногирон кишиларга ҳам озиқ-овқат маҳсулотларининг берилиши уларнинг кўнглиларини тоғдек кўтарди.

## 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

# Яхшилик унутилмайди

...Кўни кеча юз ёшга тўлган Қодир ота Тангиров учун бу нараса ажиб бир янгилик бўлди. «Сюрприз» деб аташди халқаро тилда бундай янгиликни. Юнусобод тумани, 13-мавзенинг 55-а уйда истиқомат қилувчи отахон ҳузурига «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши раиси билан бирга «Янгиобод» маҳалла фуқаролар кенгаши раиси, маҳалла туман маҳалла оқсоқоли Умарали Раҳмонбердиев кириб келишди. Улар Юнусобод оқсоқоллари, шунингдек туман ҳокимлиги номидан отахонни кўтулб бир асрлик ёши билан қизгин табриқларни, кўстюм-шўн ҳада қилдилар. Қодир отанинг кўзларида қувонч ёшлари балқиди.

— Республикаимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили ва яқинлашиб келаятган янги йилнинг «Обод маҳалла» йили деб эълон қилинганлиги барчамизни катта ва хайрли ишларни амалга оширишга қўлқўлади, — дейди маҳалла оқсоқоли Умарали Раҳмонбердиев.

Аслида Умаралининг оқсоқол дейишга ҳам тил бормаиди. «Оқсоқол» нисбатан ҳали анча ёш. Кўп йиллар икки ишлар тизимида меҳнат қилиб, оқ-қорани танганин, ҳаётий тажрибага эга бўлган бу инсонни «Янгиобод» маҳалла аҳли уч йил муқаддам маҳалла фуқаролар кенгаши раислигига бир овоздан сайлади.

Ишлар юришиб кетди. Ҳа, баъзида лавозим инсонни эмас, балки инсон лавозимининг моҳиятини улуғлаб, кўзга кўрсатиб қўяр экан. Орадан ўтган йиллар мобайнида янги «оқсоқол» раҳбарлигида маҳалланинг замонавий биноси қад кўтарди. Маҳаллада ободлаштириш, кўчалмзорлаштириш ишлари кенг қўламада авж олдириб юборилди. Барча мактабларнинг атрофи ўралди. Маъмур ҳудуддаги қабристонлар тартибга келтирилиб, деворлар билан муҳофаза қилинди.

— Маҳалла ҳудудида 14700 нафар фуқаро, яъни 3778 та оила истиқомат қилади, — дейди биз билан сўхбатда фаоллардан бири Наби ака Ҳамидов, — табиқийи, улардан ҳар бирининг ўзига яраша қувончи, ташвиши бор. Умарали уларнинг барча шодлиғи ташвишларига шерик бўлишга ҳаракат қилади, муаммоларининг ич-ицига кириб боради. Шу боисдан ҳар кўни унинг қабулида наваб кўтиб ўтирган 10-15 чоғли фуқарони кўриш мумкин. Шўбҳа йўқи, уларнинг ҳар бири бу ерда ўз муаммосини ҳал қилиб кетади.

Маҳалла оқсоқоли, юқорида айтиб ўтганимиз каби, шу

## КўНИЛДАГИ ГАПЛАР

Абдуфотих АСКАРОВ, Шайхонтоҳур туманидаги «Хувайдо» маҳалласи оқсоқоли: — Янги йилнингизни Юртбошимиз ташаббуслари билан «Обод маҳалла» номи билан аталанишининг ўзиёқ шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсонни ўйлатади, яхши ва эзгу, савобли ишларга бую қўлишга ундайди. Ахир «Отанг» — маҳалла, онанг — маҳалла» деб бекорга айтилмаган. Юртимизнинг тинчлиги, хотиржамлиги, меҳру оқибатининг йўқолмаслигида маҳалланинг ўрни беқувватдир. Маҳаллада ҳар бир фуқаронинг ҳолидан хабар олишни, ёрдамга муҳтож, қаровчиси йўқ оилаларга моддий ва маънавий кўмак беришни ҳар биримиз ўзимизнинг инсонийлик бурчимиз деб билимоғимиз керак.

Уйлайманки, «Обод маҳалла» йилида юртимиз янада фаровон, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, бутун дунёда энг ноёб тизим ҳисобланган маҳаллаларимиз янада обод, дастурхонларимиз кўт-баракали бўлади.

Йўлдошхўжа АБДУРАҲМОНОВ, Чилонзор туманидаги «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли: — Яқинлашиб келаятган янги «Обод маҳалла» йили маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ишга янада жиддийроқ, астойдил, меҳр билан ёндашишга, масъулиятли бўлишга чақиради. Халқ дарди, қувончига шерик бўлишга, ҳимояга, кўмакка муҳтож инсонларга меҳр-оқибатли, эътиборли бўлишга даъват қилади. Тўқин ва фаровон, обод ва нурафшон, тинч ва осуда маҳаллада эса кўт-баракка, хотиржамлик бўлади. Буларга эса ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, меҳнат ва ҳаракат, фаоллик керак. Маҳаллада олиб бораётган ишлари-

милий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, бутун дунёда энг ноёб тизим ҳисобланган маҳаллаларимиз янада обод, дастурхонларимиз кўт-баракали бўлади.

Йўлдошхўжа АБДУРАҲМОНОВ, Чилонзор туманидаги «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли: — Яқинлашиб келаятган янги «Обод маҳалла» йили маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини ишга янада жиддийроқ, астойдил, меҳр билан ёндашишга, масъулиятли бўлишга чақиради. Халқ дарди, қувончига шерик бўлишга, ҳимояга, кўмакка муҳтож инсонларга меҳр-оқибатли, эътиборли бўлишга даъват қилади. Тўқин ва фаровон, обод ва нурафшон, тинч ва осуда маҳаллада эса кўт-баракка, хотиржамлик бўлади. Буларга эса ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, меҳнат ва ҳаракат, фаоллик керак. Маҳаллада олиб бораётган ишлари-

мизга бир кўз ташлайлик, манманлик, бепасандлик билан ҳатоларга йўл қўймадикми? Халқ дарди, ўй-қувончи, эртаси учун ҳаммамиз баравар яхшилик йўлида ҳаракат қилайлик, дейдиган вақт келди, менимча.

Шoрифа МУҲСИМОВА, пeнсионер: — Оллоҳ насиб қилса яқин кўнларда Янги йилга ҳам етамиз. Йилимиз «Обод маҳалла» йили деб номланди. Бу жуда катта гап. Ахир ҳар бир кўнимиз шу маҳаллада ўтади, тўйимиз, маъракамизда маҳалладошларимиз бош-қош, Илоҳим, Президентимизнинг яхши ва эзгу ишларга йўлловчи ушбу ташаббуслари маҳаллаларимизни янада обод ва ораста масканга айлантириш, ҳамиша юртимизда тинчлик, хотиржамлик, ўқимчилик бўлиши учун хизмат қилсин.

# Кўркам ва ораста гўша

Ватан маҳалладан бошланади, дейди доно халқимиз. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан маҳаллаларга бўлган юксак эътибор туфайли уларнинг мавқеи қайта тикланмоқда. Қаерда маҳалланинг обрўси юқори бўлса, шу ерда кўйди-чикди-ю, исрофгарчиликларга йўл қўйилмаяпти, сабаби пиру-бадавлат қарияларимиз ёшлар онига эзгулик уруғини беминнат сочмоқдалар. Аҳоли зич жойлашган бу гўшаларда бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туман «Мевазор» маҳалласида кейинги вақтларда, жанжал, тўполон, жиноят ҳодисалари бўлганини ҳеч ким эшитмади. Маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар кўмитаси, посбонлар, профилактика нозирининг баҳамжихатлиги, ўз вазифаларини шунчаки иш деб эмас, бурч деб англашлари боис, яхши натижаларга эришилмоқда. Кўчалари обод ушбу маҳаллага йўлингиз тўшса, бу ерда қандай одамлар яшашини, шу ораста йўлларнинг ўзи айтиди. Зеро, қаердаки тинчлик, ҳамжиҳатлик, ободонлик бўлса шу ерда файзу-барокат бўлади.

Маҳалла оқсоқоли Шарифбўта Соҳидов қамтарин, тиниб-тинич-маслиғи, мулоҳазалиги билан ҳам маҳалладошларига ибрат бўлаяпти. Маҳалланинг ободлиги ва фаровонлигида отанинг ўрни беқувватдир.

3000 мингдан ошқ аҳоли яшайдиган бу мақсадда 16 кўча бор. Ҳар бир кўчанинг турфа хил муаммоларини оқиллик, одиллик билан ҳал этиш отанинг зиммасида. Оқсоқолнинг ташаббуси билан «Мевазор» маҳалласида 16-шифоҳона филиали, оилавий поликлиника ишга тушди. Унга маҳалла ўзининг жонқуяр, саховатпеша одамлари орқали 1 миллион 900 юз минг сўм тўл йўғиб берди. Шунингдек маҳалла муҳитининг соғломлигида аёлларнинг ҳам ўрни беқувват. Хотин-қизлар комиссияси раисиси Фароғат Ғоziева маҳалла аёлларининг наинки маслаҳатдо, балки сирдош ҳамдир. Ёрдамга муҳтож қариялар, боқувчисиини йўқотганлар доимо маҳалла эътиборида.

Шу билан бирга воғга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳаллада ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида ичкиликбозлик ва тийвандликка ружу қўйганларни аниқлаб, тегишли чора қўришга тавсия этилишини назорат қилмоқдалар.

Баъзан у, баъзан бу соҳада Оллоҳнинг марҳамати билан нодир бир истеъдод юзага келади, ўзи мансуб бўлган шу соҳани чароғон қилиб ёритиб юборади. Адабиётда ҳам худди шундай бўларкан. Утган асрнинг 40-50-йилларида ўзбек адабиётида Куддус Мухаммадий, Ҳаким Назир, Пўлат Мўминларнинг пайдо бўлиши ўзбек болалар адабиёти мактабини шакллантирибгина қолмай, унинг шиддат билан ривожланишига бекибс омил ҳам бўлди. Ушлаб истеъдодларнинг етишиб чиқишида улар яратган мактаб бамисоли бир дарсхона бўлди. Бу дарсхонада бирлари табиат алифбосидан, бирлари хулқи-ахлоқдан, ўқинчилари одамийликнинг фазилатидан сабоқ бердилар.

Болалар адабиётининг ана шундай ардоқли вакилларидан бири Пўлат Мўминдир. Пўлат ака болалар адабиётининг шеърят, драматургия, дostonчилик, кўшиқчилик сингари жанрларида ижод қилди. Тарифи сизмас дилбар шеърлари, кувнок драматик асарлари, оғиздан-оғизга ўтиб куйланаётган кўшиқлари салкам 60 йилдан буён фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиб келмоқдаки, адабиётшунос олимларимиз унга «Ахлоқ ва одоб куйчиси» деб таъриф беришган.

Пўлат аканинг 1949 йили чоп этилган «Сайранг, қўшлар» номли дастлабки тўплами чоп этилганда мен юқори синф ўқувчиси эдим. Яширмаймэн, мен ҳам шеърят ҳавасманди эдим. Тўпламдаги «Дарслар мажлиси», «Ўқитувчим», «Яшна, улуг ўлкамиз» номли шеърларни ёдлаб олганим ҳали ҳам эсимда. Ана ўша йиллардан буён Пўлат ака шеърятининг ихлосмандидан, мен қанчалик ихлос қўйган бўлсам, бугун, менинг набираларим ҳам ана шундай бир муҳаббат, тиниқ бир қониқиб билан бир-бирларига ўқимоқда, ёд олмақда.

Пўлат ака билан кўп учрашувларда бўлган. Унинг шеърятини, шеър ўқиб охиринда шундай бир илоҳий қувват борки, катта кичик тингловчини бир нафасда сөҳраб қўяди. Пўлат ака:

**Жуда ҳам аълосиз, ойижон,  
Жуда ҳам доносиз, ойижон.  
Сиз мени кўзим деб севасиз,  
Нур тўла кўзим деб севасиз** —  
дея шеър ўқий бошлаганда, залда тўпланган шеър ихлосмандлари қалқиб оёқда туради-да:

**Жилмайсам қувиб кетасиз,  
Оргисам нақ ёниб кетасиз,  
Мен учун қуясиз пишасиз,  
Мен учун ҳар томон шошасиз** —

дея шеърнинг давомини жўровоз бўлиб ўқиб кетишди. Чунки онанинг содда, боланинг онага бўлган меҳр-муҳаббатини бундан беради, гўзал, равон таърифи камдан-кам учрайди.

Пўлат аканинг эрта-пёсалари ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтгим келяпти. Унинг «Қовоқвой билан Чаноқвой» номли

фақат ўзига хос бўлган гўзал услуби бор. Унинг «Она болам дейди...», «Сўжатоё—Конфетвой» сингари асарларида бу ўзига хослик яққол кўринади.

Пўлат аканинг босиб ўтган йўли шундай мазмунли, шундай нури бўлаётти, ҳоҳ болалар шеърятини бўлсин, ҳоҳ достончилиги кўшиқчилиги бўлсин, ҳаммасида ҳам яратган асарлари адабиётимизнинг, хусусан болалар адабиётининг бойлигини, фохр-ифтихорига айлиниб борапти.

Улкан чиноринг баргини санаб адоқ қилиб бўлмаганидек, улкан шоирнинг фазилатлари ва яратган асарларини ҳам санаб охирига етиш қийин бўлади. Пўлат Мўминнинг 60 йилда яратган асарларини ҳам санаб тугатиб бўлмас. Сўзимни мухтасар қилиб, унинг гўзал бир шеърини — «Кичкина деманг бизни» шеърини келтириб ўтмоқчиман. Шеърда боланинг гурури, камолотга интилиши болага хос бир тил билан баён қилинганки, мен қаби сиз ҳам завқланишингизга ишонаман.

**Кичкина деманг бизни,  
Кичик эмас ақлимиз.  
Биз ҳам катта бўлишга  
Билиб қўйинг ҳақлимиз.  
Катта ишлар қиламиз,  
Лойдан поезд ясадик.  
Олти қават уй қурди  
Гугурт чўпидан Малик.  
Қўғирчоқнинг қалласи  
Узулуди — тузатдик.  
Ишга борса ойимиз,  
Йилгамадан қузатдик.  
Боғчамизни ўзимиз,  
Энди топиб бораемиз,  
Қалай, катта бўзимиз?  
Яқин қолди орамиз.**

Худойберди Тўхтабоев,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

**СУРАТДА:** Пўлат Мўмин ижодкор дўстлари ва шоғирдлари даврасида. (Сурат шоирнинг шахсий архивидан олинди).

Ҳа, дарҳақиқат Пўлат Мўмин серкирра ижодкор. Узининг қутлуг 80 ёшини қаршилаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида нафақат дилбар шеърлари ва ғазаллари, балки устозлар ҳақидаги хотиралари, одамларга манзур бўладиган қўллаб мақолалари билан ҳам фаол қатнашиб келаятган ардоқли шоиримизни «Оқшоми» мушаррафлари номидан таваллуд айёмлари билан қизгин табриқлаб, қуйида катта ва кичик ёндаги газетехонларимиз эътиборига уларнинг қатор шеърларини тақдим этаемиз.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ПЎЛАТ МЎМИН — 80 ЁШДА**

**Ижоднинг  
нурли  
саҳифалари**



спектаклининг премьерасида, яъни қабул қилинаётган кун иштирок этган эдим. Пёсадаги шеърини ўқоқчилик, юморнинг соддалиги ва табиийлиги, характерларнинг тиниқлиги, фикрларнинг янгилиги томошабинлар қатори мени ҳам мафтун этган эди. Уттиз йиллар давомида бу асардаги гўзалликдан ўғил-қизларимиз баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Умуман эртақ-пёса яратишда ва уни чиройли услубда баён қилишда Пўлат акаимизнинг ҳеч қимнига ўхшамайдиган,

юрт ҳурмати» ордени соҳиби, «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида нафақат дилбар шеърлари ва ғазаллари, балки устозлар ҳақидаги хотиралари, одамларга манзур бўладиган қўллаб мақолалари билан ҳам фаол қатнашиб келаятган ардоқли шоиримизни «Оқшоми» мушаррафлари номидан таваллуд айёмлари билан қизгин табриқлаб, қуйида катта ва кичик ёндаги газетехонларимиз эътиборига уларнинг қатор шеърларини тақдим этаемиз.

**Пўлат МЎМИН,  
Ўзбекистон халқ шоири.**

**КЎЗДА ИБОЛАР  
АЙТАДУР**

(Ғазал)

Севгининг асрорини ахли фидолар айтаду,  
Нола-ю афғонини арази нидолар айтаду.

Азимга бўйсундилар шохлар, гадолар ёнма-ён,  
Ўртада ҳижронларин ўтган хатолар айтаду.

Кимгадир қилгай вафо, кимгадир жабр-у жафо,  
Ҳоҳ азоб-у роҳатини тонги саболар айтаду.

Ҳажрида оқшом, сабоҳ истарам васли ависол,  
Ёрга ёр қуморлигин кўзда билар айтаду.

Тенгини топганлари орзусига етган бўлур,  
Ёрига Мўминнома ҳамду санолар айтаду.

**АЛАМ ОЛДИМ  
ҚАЛАМДАН**

Санам либос кийибдур ранги баргикарамдан,  
Гуллар уфори тарқар ҳар бир босган қадамдан.

Журъат этиб оҳиста борган эрдим ёнига,  
Бирор нидо чикмади ул моҳи рўй санамдан.

Таманноси бўлакча, парво қилмас кимсага,  
Сезилмасди, вояжаб, унда меҳр-у қарамдан.

Нечун баъзи гўзалдан ибод-одоб бегона?  
Бошим бироз айланди, тор қуйилди танамдан.

Парво қилмай кетди ул, боқмай ўнг-у сўлига,  
Мўмин бунга қидолмай, алам олди қаламдан...

**«УЧ» БАҲО-Ю ПУЧ БАҲО**

«Уч» баҳо-ю пуч баҳо,  
Таги бўм-бўш пуч баҳо.  
«Икки»нинг ён қўшини,  
«Тўрт»нинг ёмон қўшини.  
«Беш» уни танимади,  
Ҳатто баҳо демайди.

Ўхшар инжиқ касалга,  
«Иккига» тушар салга.  
Аслинда бу энг арзон,  
Этаверар кўп сарсон.  
На билар-у на билмас,  
Ҳеч ким назарга илмас.

Агарда ким олса «уч»,  
Ялқовликка бўлган дуч.

«У»ни дерлар ўртача,  
Ёки тешиқ тўрвача.  
Доим тортар кейинга,  
Армамас бир тийинга.  
Олувчини ланж этар,  
Эшитгани раңжитар.  
Огайнилар, олманг «уч»  
Сизда бор «тўрт», «бешга» куч.

**ДАВРОН ЕТДИ  
ҚАДРИНГИЗГА**

Оппоққина момоларим,  
Юмшоққина боболарим,  
Зарлар сочай устингиздан,  
Гуллар қулгай хуснингиздан.

Даврон етди қадрингизга,  
Нурлар тўлгай қалбингизга.

Кўйсак арзир бош устига,  
Келинг доим ош устига.

Табаррукдир сиз юрган жой,  
Сўзларингиз ҳикматга бой.

Даврон етди қадрингизга,  
Нурлар тўлгай қалбингизга.

Эй, нуроний момоларим,  
Эй, дуоғўй боболарим,  
Кексайганда олинг ором,  
Бор бахтингиз этгай давом.

Даврон етди қадрингизга,  
Нурлар тўлгай қалбингизга.

**ОДОБ ВА ОФТОБ  
ҚЎШИГИ**

Одоб яхшими?  
Офтоб яхшими?  
Лолалар учун  
Офтоб яхшидир.  
Болалар учун  
Одоб яхшидир.  
Офтоб кўринар тоғ-тепалиқда,  
Одоб кўринар салом-алиқда.  
Офтоб бўлмас қоронғу тушар,  
Одоб бўлмас ғам-қайғу тушар.  
Одоб ҳар кимнинг ширин сўзинда,  
Одоб халқимнинг юзи-қўзинда.  
Оламнинг юзи офтобдан исир,  
Одамнинг юзи одобдан исир.  
Оламнинг доим офтоби бўлсин,  
Одамнинг доим одоби бўлсин.  
Одоб ҳам яхши,  
Офтоб ҳам яхши.

**МУРОСА-Ю МАДОРА**

Бордир олий ибора:  
Муро-ю мадора.  
Хўзур берар, нур берар  
Муро-ю мадора.  
Яхшиликка ишора  
Муро-ю мадора.  
Арра тортар икки дўст,  
Бири тортар бир бора,  
Иккинчиси тортиб дер:  
Муро-ю мадора.  
Тенглик тузар ўзаро  
Муро-ю мадора.  
Билиб-билмай ногаҳон  
Зарда қилса ёр ёра...  
Аҳилликча қачиргай  
Муро-ю мадора.  
Таълим эрур ошқора  
Муро-ю мадора.

Келишолмай қолса-чи  
Агар икки идора,  
Мушкулларни ҳал этар  
Муро-ю мадора.  
Кўпни қилмас оворо  
Муро-ю мадора.  
Лозиманда ўрнида —  
Тўйга қатнар тоғора,  
Момолар дер бу йўлни  
Муро-ю мадора.  
Юзинг қилмайди қора  
Муро-ю мадора.  
Чўқсонлардан баъзилар  
Қалишадир ноғора,  
Тадбир топиб берадир  
Муро-ю мадора.  
Айла Мўмин тобора  
Муро-ю мадора.

**МИЛЛИЙ ДАСТУР — АМАЛДА**

**Илмий изланишлар маҳсули**

Ҳозирги кунда республикамиздаги барча олий ўқув юртлири каби Ақмал Икромов номли Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида ҳам магистратура 1999 йилдан бери фаолият олиб бормоқда. Магистратура дастлаб иш бошлаганда унга талабаларни қабул этиш 6 та мутахассислик бўйича олиб борилди. 2000-2001 ўқув йилида 10 та мутахассислик бўйича, нихоят 2002-2003 ўқув йилида институтида 15 мутахассислик бўйича талабаларни магистратурага қабул қилиш ташкил этилди.

2001 йилдан бошлаб Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи ҳафтага татбиқ этиб келинмоқда. Бу босқичда асосий эътибор таъйинланган магистрантларни инстиутимизда олаётган билимнинг сифатига қаратилмоқда. Бунда Миллий дастурни кенг миқёсда ва тўлиқ амалга ошириш даркор. Айтиб ўтиш лозимки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида шев авлоднинг миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларни миллий таълим-тарбия аъёнлари асосида тайёрлаш масалалари кўтарилган ва шу муаммонни ҳал қилиш йўли-йўриқлари кўрсатилган.

Ушбу йўл-йўриқлар асосида институтида магистратура босқичида таълим олаётган 15 та мутахассислик учун янги авлод таълим давлат стандартлари, намунавий ўқув режалар, ишчи ўқув режалар ҳамда фанлар бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб институтининг магистрантлари тўлиқ Давлат стандартлари асосида ўқитилмоқда.

Магистратура бор ҳар бир кафедрани илмий асосларни ўргатадиган, диссертациядаги қўйилган муаммоларни ечишда ўзларнинг фикрларини, ёрдамларини кўрсата оладиган етуқ профессор-олимлар бор. Академик А. Глушенко, профессорлар Н. Усмонов, М. Тохиров, Р. Мамажанов, Г. Хромова ва бошқалар ушлар жумласидандир.

Магистратурадаги яна бир иккинчи ёндашмиш бу «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамда институтида раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланган темир йўлнинг ҳар хил қорқончалари кафедраларнинг филиалларини ташкил қилишдир. Бунда магистратурада таҳсил олаётган талабалар ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита танишиб, у ердаги муаммоларни ўрганиб, кейинчалик магистрлик илмий изланишларида уларни бартараф этиш йўллари ишлашади.

Магистрантларнинг диссертация мавзуларини ақсарият ҳолда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўли компанияси томонидан қўйилган долзарб мавзулар асосида ташкил қилинади ва улар томонидан тақдирланади ҳамда амалиётга татбиқ этилади.

Айтиб ўтиш лозимки, 2002 йили магистратура «Юк ташиниш» ташкили ва транспорт бошқармиш мутахассислиги бўйича битирган магистрантнинг ҳаммаси Темир йўл компанияси томонидан иш билан таъминланди. Бу шуни кўрсатмоқдаки, институтида даъво этилган ёш магистрлар давр талабига жавоб бера олади.

**МУЛОҲАЗА**

Кўчада ноғох ишгами, ўқишгами шошилиб кетаяпсиз. Шунда бирдан қулонгиз остида пақилдоқ пақилдади. Йўқ, янглишдик, гумбуради. «Гум! Бадаг!! Карс!!» Юрагингиз уриб кетади. Асаббузарликни айтмаймиш! Тасаввур қилинг, ўрингизда аёл киши бўлса-чи?

**Пақилдоқфурушликка қачон чек қўямиз?**

Пақилдоқфурушликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳукуматимиз ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан қўриляпти, матбуотда ушбу муаммонни бартараф этиш юзасидан тақлиф-мулоҳазалар, талай мақолалар эълон қилинляпти. Аммо ҳамон кўча-кўйда пақилдоқларнинг ноҳуш садоси қулонгиз тагида бот-бот жаранглаб турибди. Дарвоқе, мутасадди органлар қўллаб сифатсиз хориж маҳсулотлари қатори пақилдоқларнинг мамлакатимиз ҳудудида кириб келиши ва сотилишининг имкон қадар олдини олишга ҳаракат қилишляпти. Қувонарли жиҳати, хозирда бозорлар, савдо растанларида бундай маҳсулот билан ошқора савдо қилаётганларни кўпда учратмаймиш. Бироқ юқоридagi воқеага ўхшаш пақилдоқ билан боғлиқ дилхираликлар ҳақида тез-тез эшитиб қолаямиш. Бу, ҳолатга чек қўйишнинг имкони борми? Мўмай даромад топишни ният қилган тижорат билан шуғулланаётган айрим кимсаларга инософ берсин дейишдан ўзга илоҳимиз йўқ. Бизни бир нарса таажубга солади. Миллионлаб пулларини пақилдоққа сарфлаётган ана шу омадсиз тижоратчилар шунча сарможаларини ҳам ўзларига, ҳам халққа манфаат келтирадиган жирили тижорат йўлида сарфлаш нур устига аъло нур бўлармиди?

Албатта, айримлар янги йил арасида шу арзимас пақилдоқни деб муаммо кўтариш шартини дейишлари ҳам мумкин. Аммо қони зарар ҳисобланган бундай ўйинчоқ барчага зиён келтирадиган бошқа нарсага ярамаса, бу «кўнгулочар» ўйинчоқдан воз кечиш фойдалан холи бўлмаслиги ҳам қундек равшан. Назаримизда «пақилдоқфуруш»-ликнинг олдини олиш, у билан яширишга савдо қилаётганларга нисбатан янада қатъий чоралар қўриш вақти аялланмади келди. Тақилланган маҳсулотларнинг юртимизга, қолверса пойтхатимизга қонқоний йўллار билан кириб келишининг олдини олиш учун нафақат божхона хизмати ходимлари, балки жамовчилик ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда қатъийроқ ҳаракат қилишлари зарур. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.**

● Одамларга аралашиб, улар билан яхши муносабат ва гўзал муомалада бўлишга «маошират одоби», яъни маданий бир инсон қаби яшаш одоби дейилади. Маошират одоби билан яхши хабардор бўлган одам ҳаммининг ҳурматини ўзига жалб этади. Ким бўлса бўлсин, хатто олим, мутафаккир одам бўлса ҳам, маошират одобида рияз қилмас, халқ назаридан тушади, ҳеч ким унга илтифот қилмайди.

Маошират одоби ҳар миллатда бошқа-бошқа бўлиб, ҳар миллатнинг ўзига махсус аъёнаси, урф-одати, одоб-ахлоқи бордир, булар у миллат учун муҳтарамдир. Шунинг учун ҳар бир одам ўзи мансуб бўлган миллатнинг маошират одобини билиш билангина қифоланмасдан, бошқа миллатларнинг ҳам урф-одатларини яхши диққат қилиб ўрганиб ҳурмат ва рияз қилиши лозимдир, буни ёддан чиқармаслик керак.

**БАЙТ:**  
**Сен агар қилсанг, биров кўнглини хуш  
Халқ дарёси сенга ҳар лаҳза жўш.**

● Олим ва фозиллардан бири айтди:  
— Искандар Румийга бир қалъа гумбази ичида ётган бир тошни топиб олиб келтирдилар. Бу тошга мана шу сўзлар нақш этилганди:

— Эй, бу тошни қўйга олган киши, мана шу тўрт нарсга эътибор қил:  
— қўлингдан келганга ҳаммага яхшилик қил, дунёнинг обрўси яхшилик билан барпо бўлади, дарахт парвариш билан, одам яхшилик билан камолга етади;

— агар сенга биров ёмонлик қилса, сен яхшилик қилиб уни уялтир, ёмонликка ёмонлик қилсанг, сен билан унинг орасида фарқ қолмайди, ҳар иккинги ҳам ёмонлардан саналасиз.

**БАЙТ:**  
**Ким захар берса, сен шакар бергил,  
Гар узоқ бўлса, сен яқин бўлгил.**

● Бировнинг кўнглига озор беришдан сақлан. Мардум озордан халқ безордир. Бир кишининг айбини бошқа бир кишига изҳор қилма, бундан ҳазар қил.

**БАЙТ:**  
**Десанг халқ ичинда қизил юз бўлай,  
Бировнинг юзин ҳеч қора қилмагил.**

● Турмушини доимо ўртча қўйиб илтиёр қил, шодлик келса, юрар-турарининг билмай ҳовлиқиб кетма, қайғу келса ортиқ даражада қайғуриб, саломатлигини йўқотиб қўйма, ўртча йўл тутсанг, тинчликда, роҳат ва фароғатда яшайсан.

**БАЙТ:**  
**Даҳр шодлик, қайғусига бўлма ҳуррам,  
Гам ема,  
Бу жаҳон расми гаҳий нидоғ, гаҳий  
бундоғ эрур.**

● Шоир Сайид Аҳмад Васлий айтди:  
**Кимки чин кўнгли билан файзи соф  
қилса талаб,  
То абад ҳаргиз уйилмас кўнглидан  
осори файз.**

● Гўзал тадбир-ҳийла соясизда киши ўзини қийинчиликдан, фалокатдан қутқазсади. Ўйламадан сўзлаган киши тилидан иллинади, шарманда бўлади. Бунга бир мисол:

**ХИКОЯТ:** Акрам исмли ақлли, тадбирли бир одам отга миниб даладан шаҳардаги уйига келаяти, бир сув бўйига келиб тўхтади. Отини бир дарахтга боғлади, ўзи хуржундан овқат олиб ейишга ўтирди. Шу вақт байтал от минган киши етиб келди. Отдан тушиб, Акрамнинг оти ёнига отини боғламоқчи бўлди. Акрам бунни кўриб қичқирди:

— Ҳой биродар, менинг отимнинг феъли ёмон, жуда тепонгич от, отингизни тепиб ўлдириб қўймагин, бошқа дарахтга боғланг.

У киши ўзини қарликка солиб, байталини Акрамнинг оти ёнига боғлади ва ўзи индамай-нетмай келиб, Акрамнинг овқатидан ея бошлади. Акрам хайрон бўлиб:

— Мен билан ҳали кўришмасдан туриб ёнимга келиб ўтирасиз ва мендан рухсат сўрамай овқатимга кўл узатиб ея бошлайсиз, бу нима қилганингиз? Оёсам ҳам у одам илтифот қилмай овқатини тушира бошлади. Акрам, бу одам қулони тошдек битиб қолган қар ва тилсиз соқов бўлса керак, деб ўйлаб индамай ўтирди.

Орадан кўп вақт ўтмай Акрамнинг оти у кишининг байталини қорнига қаттиқ тепган эди, байталнинг қорни ёрилиб ўлди. Киши отининг ўлганини кўргач, дод-фарёд қилиб:

— Отинг менинг отимни ўлдириб қўйди, энди тўлаб берасан, — деб ғавго кўтарди.

— Ҳой, нобакор, ўзингни гаранг, соқовликка солиб турган эдинг, энди тилинг чикдики? Мен сенга, отингни менинг отим ёнига боғлама, отим тепонгич, ёмон от деб айтдим, қабул қилмадинг, энди ўзингдан кўр, мен айбим эмасман, — деди ва отига миниб уйига кета бошлади. У киши ғавго кўтариб Акрамнинг уйига келди.

Акрам уйига кириб кетгач, ноилоҳ шаҳар қозиси ёнига бориб Акрамдан шикоят қилди. Қози одам юбориб ўз маҳкамасига Акрамни чақиртирди.

Акрам келгач, қози ундан воқеани сўраган эди, Акрам ўзини қар ва соқовликка солиб ҳеч бир жавоб бермади. Қози:

— Бу одам қар ва соқов экан, бунга айблай олмаман, — деган эди, у одам фарёд қилиб:

— Бу одам ёлғондан ўзини гаранг ва соқов қилиб кўрсатиб турибди. Мен даладан байтал отга миниб келаятигимда бу одам сув бўйида ўтириб овқатланарди. Мен ҳам отдан тушиб унинг оти ёнига отимни боғламоқчи бўлдим, у одам отининг тепонгичлигини айтиб мени манъ қилди. Мен ўзини гаранг-соқовликка солиб индамай унинг оти ёнига отимни боғлаб, овқатини ея бошладим, ўша вақтда сўзлаган одам энди ўзини гаранг, соқов қилиб кўрсатиб турибди, — деди.

Унинг сўзини эшитгандан кейин Акрам қулиб:

— Қози почта, мен ўзимни соқов, гаранг қилиб сизга кўрсатишим, унинг ўзини сизнинг ҳузурингизда иқдор қилдириш учун эди. Ана энди ўзингиз ҳақиқатини англадингиз, билиб ҳукм қиласиз деб ўйлайман, — деди. Қози Акрамнинг тадбир-ҳийласига офарин қилиб у кишига айтди:

— Ҳамма воқеани ўзинг айтиб бериб тилингдан илдинг. Отингни оти ёнига боғлаш манъ қилган экан, нега боғладинг? Энди айб бу одамда эмас, сенинг ўзингдир, — деб уни қўлаб чиқарди.

# ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

## «O'ZBEKTELEKOM» акционерлик компаниясининг филиали бўлмиш «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I»

### Сизларни янги 2003 йил билан чин кўнгилдан муборакбод этади.

Янги йилда Сизларга бугунги кунда хизмат кўрсатаётган 52000 та телефонларга яна минг-минглаб қувноқ жиригловчи янги телефонлар қўшилишини билдиришни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Сизларга, яқинларингиз ва қариндош-уруғларингизга саломатлик, бахт ва муваффақият ёр бўлишига тилакдошимиз!

*Хонадонингизга тинчлик-тотувлик ёр бўлсин!*

## «O'ZBEKTELEKOM» акциядорлик компаниясининг «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» филиали

### «Ўзқўрғазмасавдо» таклиф қилади

**Хурматли ҳамшаҳарлар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, ота-оналар!**

Азиз болажонларимизни 2003 йил 1-10 январь кунлари «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан ўтказиладиган арча байрамга таклиф этамиз.

Арча атрофида болажонларимизни қизиқарли аёjoyиб ва ёрайиб, мўъжизалар, Қорбобо ва Қорқизнинг «сеҳрли» соваелари кўтмоққа.

Чипталарни «Ўзқўрғазмасавдо» кассаларидан ёки пул ўтказиш йўли билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Байрамлар ўтказиш дирекциясидан сотиб олиш мумкин.

**139-14-54**

### ТАНЛОВЛАР

## ҚАЛБДАН ЧИҚҚАН НАВОЛАР

Республикаимизда ижро санъатини ривожлантириш, ёш истеъодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда маданият ва санъат намояндларининг ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Толибжон Исроилов номидаги халқор мусика хайрия жамғармаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова номидаги Республика аёл хонандалар танлови ўтказилди.

Беш кун давом этган ушбу танловда 20 дан ортиқ аёл хонандалар, санъат ва мусика юртидаги ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди. Катнашчилар Ўзбекистон композиторлари операларидан ария, романслар, жаҳон композиторларининг дурдона мусикии операларини ижро этишди. Назира Аҳмедова номидаги аёл хонандалар танловида 5 киши ғолиблик шохсупасига чиқди.

Бош мукофот «Гран при» Алишер Навоий номидаги катта Академик театри яққохони, «Нихол» мукофоти совриндори Саида Мамадалиева, биринчи ўринни Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 2-курс талабаси Малика Норматова, иккинчи ўринни Гулнор Альджанова, учинчи ўринни ҳам Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Маҳфуза Исмолова эгаллади.

Еш хонандалар опералардан ария ва романсларни севиб ижро этдилар. Давримиз ёшлари устоз хонандаларнинг ижро анъаналарини давом эттиришга муносиб ҳаракат қилмоқдалар.

Ушбу танлов давомида маънавиятмиз манбаи бўлган қўшиқ, оҳангларнинг сеҳрли уммон эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

(Ўз муҳбиримиз)

**СУРАТДА: «Гран при» соҳибаси Саида Мамадалиева.**



## ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

### МУЛОҲАЗА

## МУҚАДДАС БУРЧ

Табиатни муҳофаза қилиш — ҳозирги ва келгуси авлодларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳитни мусоффо сақлаш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишдир. Маълумки, ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси асримизнинг энг йirik муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Янги кимёвий захарли моддаларнинг кашф қилиниши, саноат корхоналаридан чиқадиган турли-туман захарли чиқиндилар, дарё ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши маълум даражада табиатга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Табиат инсоният мавжудлигининг зарурий асоси, инсон учун керакли ҳаёт муҳити ва моддий ресурсларнинг яққо ягона манбаи ҳисобланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, шунингдек, табиатни келажак авлод учун соф ҳолда сақлаш бугунги кунда инсоният учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «Фуқаролар атроф — табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб бежиз қайд этилмаган. Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унинг қонунларига амал қилиш, яъни экологик жиҳатдан саводхон бўлиш ҳар биримиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Табиат кишининг моддий ва маънавий талабларини қондириш манбаидир. Шунинг учун табиатнинг ҳаёт деб аталиши бежиз эмас. Ҳар бир инсон турмуш сабоқларини дастлаб ўз оиласидан олади. Шунингдек, она Ватанга садоқат, атроф-муҳитга муҳаббат каби эзгу туйғулар ҳам оилада шаклланади. Шу боисдан ҳар бир ота-она ўз фарзандини ёшлик чоғиданоқ табиатни севишга, уни авайлаб-асрашга, поэтикаликка ўргатиш бор-моғи лозим. Бу эса фарзандни келажакда комил инсон, эл-юртга фойдаси тегадиган ватанпарвар киши бўлиб етиштиришда муҳим роль ўйнайди.

Донишмандлардан бири: «Ўғил ўстирган ёки дарахт ўтказган одам умрини беҳуда яшамаган бўлади», деган экан. Агар жамоат ўз ишини жонажон ўлкасини, шаҳри ва қорхонасини, табиатни севадиган ва бу ҳақда қайғурмаган чинакам фидойиларни тарбиялаган бўлса, демак у беҳуда меҳнат қилмаган бўлади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ўз фаолияти давомида шаҳарнинг экологик мувозанатини яхшилашда кўпгина ишларни амалга ошириб келмоқда. Шаҳримиз овоз ва обод диёримизнинг пойтахти. Янги қуриладиган муҳташам бинолар, кенг ва равоқ кўчалар мустақил республикамиз кўрғиға кўра бугунги кунда шаҳримиз ҳавосининг транспорт воситаларидан чиқадиган захарли газлар билан ифлосланиши умий ифлосланиш миқдорининг 75-80 фоизини ташкил этар экан.

Шаҳар атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлашда «Тоза ҳаво» тадбирининг бир йилда икки марта баҳор ва куз мавсумларида ўтказилиши ижобий натижалар бермоқда. Мазкур тадбирлар самараси атрофича таҳлил қилиниб борила-

ти. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунларига зид иш тутаётган транспорт корхоналари ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар қўрилмоқда. Автомобилларни таъмирлаш устандалари, ёнилги қуйиш корхоналари фаолияти назорат остига олинган. Шаҳарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунларини тузиш ва унинг олдини олиш чораларини кўриш билан боғлиқ бўлган тарғибот-ташвиқот ишлари аҳолининг ҳар томонлама экологик савиясининг ошишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Яна бир муаммо. Яъни шаҳар кўчаларида, жойларда, туманларда, маҳалларда тўпланган ва ёниб ётган ахлатонлардан чиқадиган захарли газлар ва уларнинг зарарли таъсири ҳақида гапириб ўтмай бўлмайди. Ваҳоланки, бу чиқиндилардан чиқадиган зарарли моддалар инсоф саломатлигига путур етказмоқда. Шу муносабат билан айтадиган бўлсак бугунги кунда аҳоли турар жойларидан, маийш ва саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндиларни йиғиши, уларни қайта ишлаш, йўқотиш масаласи қўндаланг бўлиб турибди. Бу муаммонини ҳал қилишда кўмита шаҳар ҳокимлиги, ободонлаштириш бош бошқармаси, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси билан биргача иш олиб бормоқда.

**Сарвар ШОНОСИРОВ,** мутахассис.

### ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

## Кувурдаги лайлак ини

Болгариянинг Бела-Черка шаҳридаги нон заводи зудлик билан қайта таъмирланадиган бўлди. Кувурчилар энг шимариб ишга киришди. Завод кувури ҳам таъмир қилиниши зарурлиги ҳақида гап кетганда корхона маъмурияти лаб тийлаб қолди. Чунки кувур ичи аллақачон лайлаклар маконига айланган экан. Ҳўш, узоқ йиллар давомида завод ишчиларининг энг яқин «дўстлари»га айланиб қолган лайлак усқини энди қаерга кўчириш керак. Кувурчилар бу муаммонини ҳал этишди. Улар кувур ичидаги яъни зарарсилантирмасдан олиб уни таъмир ишларидан ҳоли бўлган жойга — нон ёпиш цехининг томи орасига мустаҳкамлаб қўйишди. Ота-она лайлаклар бегона жойга кўчишини унча ёқтирмагандек «ётоқлари»га гоҳ келиб, гоҳ келмай қўйдилар. Кеч қузда эса канот чиқарган болаларини олиб қаёққадир учиб кетишди.

Энди шаҳарликлар оғзидан лайлаклар баҳорда яна қайтиб келармикан? Агар келишса янги инда яшармикан ёки эски жойига қайта ин қўйишармикан, деган гап тушмай қолди.

### ТАДБИРЛАР

Ҳозирги кунда республикамиз олдида экологик муҳитни яхшилашдек долзарб масала турибди. Бунинг учун булган ҳудудлардаги экологик муаммоларни саҳна кўринишлари охиридаги бўлади. Шунинг билан бир қаторда болалар боғчаларида мактаблар, коллеж ва лицейларда, институтларда, қолаверса маҳаллаларда экологик таълим-тарбияни кучайтиришга кенгрок аҳамият берилмоқда. Яқинда шундай тарбиявий ишлардан бири Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Камолот» ёшларининг ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди.

### ТЕКШИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексининг 193, 204-моддаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик белги-ланганлиги қайд этилган. Экологик жиноятлар таркиби экологик ҳуқуқбузарлик натижасида вуқудга келади ва у ёлбанз оғир-оқибатларга олиб келади. Экология жиноят тури ижтимоий ҳавфлилик турига кўра қандай айб жиноятлардан қилинмайди. Чунки инсонларнинг ўлими, оммавий равишда касалланиш, ўсимлик ва ҳайвонларнинг қирилиб кетиши — бу айрим одамларнинг табиатга нисбатан пала-партиш ҳаракатлари билан атроф-муҳитни зарарлантириши оқибатида содир бўлиши мумкин.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ушбу тадбир «Она табиатни севоқ — Ватанин севоқ!» шiori остида ўтказилди. Қўриқ-танловда шаҳри-миш туманларидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўз ҳуқуқлари ва экологик билимларини намойиш этиб ўзаро беллашдилар.

Танлов катнашчилари фақат экология бўйича саволларга жавоб беришга қолмай, балки ўзлари яшаб турган ҳудудлардаги экологик муаммоларни саҳна кўринишлари орқали ёритдилар. Танлов якунига кўра Чилонзор туманидаги 128-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муҳаббат Зокирова биринчи ўринни, Шайхонтоҳур туманидаги 65-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Насиба Тўхтаева иккинчи ўринни, Сергели туманидаги 305-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шаҳноза Султонова учинчи ўринни эгаллашди. Танловда иштирок этган шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги 1-мактаб, Ҳамза туманидаги 153-мактаб, Акмал Икромов туманидаги 81-мактаб, Юнусобод туманидаги 288-мактаб, республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси жамоаларига ҳомийларнинг диплом ва совагалари топширилди.

**Гавҳар НАЗАРОВА,** Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси илмий-техникавий тараққиёт ва экологик тарғибот бўлими бошлиғи.

## Экология кўндаллиғи

«Табиат — жамият» тизимидаги зиддиятларнинг ўзига хос кўринишларидан бири булган энергетик муаммо ҳам юқоридаги умумбашари муаммолардан биридир. Шунини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари ўз иш жараёнида жойларда бўлиши текширувлар олиб боришади. Айрим қонунбузарликларга йўл қўйган фуқароларга корхона ва ташкилотларнинг жавобгар шахсларига нисбатан жазималар солишади ва улар орасида тушунтириш ишларини олиб боришади.

Яқинда кўмита томонидан ўтказилган шундай текширувларнинг бирида қуйидагилар аниқланди.

- «Суваш» қорхонасида текширув ўтказган нозирлар бир қатор камчиликларга дуч келишди. Хусусан, қорхона ҳудудида белгиланмаган ерларга мой тўкилганлиги каби салбий ҳолатларга дуч келинди. Натижада ушбу ўзбошимчиликка йўл қўйган цех бошлиғи И.Дугановга 13 минг 605 сўм миқдоридан жарима солишди.
- «АВІД-АВТО» масъулияти чекланган жамият давлат экологик экспертиза хуло-сасисиз ўз фаолиятини юргизишга келган. Шу сабабли қорхона раҳбари А.Амилов жаримага тортинди.
- «Тошшаҳарйўловчи»га қарашли 18-автосарой ҳудудида белгиланмаган ерларга мой тўкилганлиги ҳолати қайд этилди. Бундай салбий қўринишга йўл қўйган автосарой бош оператори Р.Усмонов 13 минг 605 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.
- САНИИРИ ИЧБ ҚҚБ бошлиғи Л.Шездинова руҳсатсиз дарахт кесилишига йўл қўйган. Бу ўзбошимчилик унинг ҳамёнига 10 минг сўм миқдоридан зарар келтирди.
- ОТАЖ ўқув ишлаб чиқариш маркази ҳўжалик мудир А.Рустамов табиий муҳитни тиклаш чораларини кўрмаганлиги учун 13 минг 605 сўм жарима тўлади.
- «Шоакбар ота» хусусий фирмаси станцияси бошлиғи С.Саиднабиев Бўзсув кана-ли қирғоғига руҳсатсиз маийш чиқиндиларини чиқариб ташланаётгани назоратга олмаганлиги туғайли 31 минг 745 сўм миқдоридан жаримага тортинди.

**Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА,** мутахассис.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси, 32

**Телефонлар:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма тўбоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасида 10-рақами билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшомини» компьютер марказида терилди ва саҳифаланади.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.**

Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.